



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 22 апрель, № 81 (8976)

Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз фарзандларим!  
Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, юксак соврин — Осиё кубогини қўлга киритганимиз билан халқимиз номидан, ўз номимдан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизлар каби навқирон, азму шижоатли ёшларимизнинг бутун турнир давомида биронта ҳам мағлубиятга учрамасдан, рекорд натижа кўрсатиб, жонажон Ватанимиз шарафини мардона ҳимоя қилганлари, ҳеч шубҳасиз, миллий футболимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган шонли воқеа, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, финалда мусобақа мезбони — Саудия Арабистони каби гоят кучли жамоага қарши кескин беллашувда турли босимларга қарамасдан, ўн бир ўйинчи қарши тўққиз футболчи шиддатли кураш олиб борганимиз чинакам жасорат ва матонат намунаси бўлди. Сизлар намоян этган юксак мардлик ва маҳорат ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мусобақа якунига кўра уч нафар истеъдодли ва моҳир спортчимиз яқка тартибдаги совринлар эгаси бўлгани, жумладан, Неъматуллоҳ Рустамжонов — турнирнинг энг яхши дарвозабони, Асилбек Алиев — энг яхши тўпураги, Садриддин Ҳасанов — энг яхши футболчиси сифатида эътироф этилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Эл-юртимиз сизларнинг тимсолингида доимо олдинга интилиб яшайдиган, юксак марраларни забт этишга қодир Янги Ўзбекистон ёшларининг энг ёрқин вакиллари кўради ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланади.

Мамлакатимизда спортга, жумладан, футбол ривожига берилётган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижаси бўлган мана шундай тарихий ғалаба учун сизларга, сизларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарингиз ва устоз-мураббийларингизга чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизлар ушбу ғалабадан руҳланиб, шу йил ноябрь ойида Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам Осиёнинг ғолиб жамоаси сифатида муносиб иштирок этасиз, деб ишонаман.

Бахт ва зафар сизларга доимо ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



## ЮКСАК МАРРАНИ ЗАБТ ЭТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

Фахр



Шу йилнинг 3 — 20 апрель кунлари Саудия Арабистони яшил майдонларида ўтказилган 17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубоги мусобақасида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ғолиб чиқиб, халқимизга чексиз қувонч ва хурсандчилик олиб келди.

Юртимизда оммавий спортга, жумладан, футбол ривожига қаратилаётган юксак эътибор туфайли кейинги йилларда қатор ютуқлар қўлга киритиб келинмоқда. Жумладан, 2023 йилда Ўзбекистонда уюштирилган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубоги мусобақасида маҳоратли тўптепарларимиз чемпион бўлишган эди. Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ўзи иштирок этган сўнгги икки турнирда совриндор бўлиб, 2024 йилги Париж Олимпиадасининг футбол мусобақасида илк бор қатнашди ва тарих саҳифаларидан жой олди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎН ЕТТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ёрқин истеъдоди ва профессионал маҳорати, улкан азму шижоати ҳамда мустаҳкам иродасини намоян этиб, Саудия Арабистонида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада мислсиз жасорат ва матонат намуналарини кўрсатгани, Осиё кубогини қўлга киритиб, ўзбек футбол тарихида янги бир шонли саҳифа очгани, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёш авлодни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида фаол иштирок этиб келаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган спорт устози»  
фахрий унвони билан

Исмоилов Ислоббек Муродбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийси

«Келажак бунёдкори» медаллари билан

Абдукаримов Миразиз Эркин ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Абдуллаев Фариджон Нодиржон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Абдумўминов Азизбек Икромжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Алиев Асилбек Равшанжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Баходиржонов Муминжон Иссоҳон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ботиралиев Ҳожиқабар Хайрулло ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Еримбетов Азизбек Мухаммад Али ули — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Избасканов Баҳадир Маҳсетбаевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Махмуджонов Дилёрбек Санжарбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Муратов Амиржон Шухрат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Мусаханов Мухаммадали Алижонович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Мухаммадов Акбар Алишерович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Рустамжонов Неъматуллоҳ Шухратжон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Рустамов Жамшидбек Абдоржон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Сандмуродов Бехрўз Ғайрат ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Сарсенбаев Нурбек Раҳатович — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Содиқов Сайфиддин Бахтиёр ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Фазлиддинов Абдуллоҳ Зайлиддин ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳакимов Мухаммад Улуғбек ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳасанов Садриддин Зайниддин ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Ҳабибуллаев Мухаммад Қодиржон ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Шокиров Иброҳим Жамшид ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

Шукруллоев Абубақир Азиз ўғли — Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси

«Шухрат» медаллари билан

Джураев Отабек Рустамович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» ижодий бирлашмаси бош мутахассиси

Толипов Орифжон Боходирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» ижодий бирлашмаси «Футбол ТВ» телеканали муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 21 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқийс ҳисса қўшган буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, юртимизнинг жаҳон цивилизацияси бешиги сифатидаги тарихий мақоми ва нуфузини тиклаш бўйича пухта ўйланган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридид, Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқро ислом академияси, Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди. Ушбу муассасалар «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу умуминсоний ғояси асосида жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга, ёшларни замонавий фикрлайдиган ва буюк аждодаларимизга ҳар жиҳатдан муносиб этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги мураккаб шароитда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мамлакатимизда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган халқчил тамойилга асосланган ислохотлар тўғри эканлигидан далolat бермоқда.

Юридагиларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш, диний-маърифий соҳадаги эзгу ғоя ва ташаббусларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб изчил давом эттириш мақсадида қарор қиламан:

«Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган халқчил тамойилга асосланган ислохотлар тўғри эканлигидан далolat бермоқда.

Юридагиларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясида белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш, диний-маърифий соҳадаги эзгу ғоя ва ташаббусларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб изчил давом эттириш мақсадида қарор қиламан:

(Давоми 2-бетда).

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН НАВБАТДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев  
21 апрель куни мактаб таълими  
сифатини ошириш ҳамда педагоглар  
тайёрлаш тизимини  
такомиллаштиришга оид тақдимот  
билан танишди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида таълим тизими ислохотлари устувор йўналишлардан бири этиб белгиланган. Бу йилги давлат дастурида ҳам мактабларда шароитларни яхшилаш, ёш авлодни билимли этиб тарбиялаш бўйича кўплаб вазифалар қўйилган.

Бу кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг билим ва малакасига боғлиқ. Юртимизда 15 та давлат ва 61 та нодавлат олийгоҳда педагогика йўналиши бор. Лекин улардаги илмий салоҳият атиги 40 фоиз атрофида.

Қабулларнинг катта қисмини ижтимоий йўналишлар ташкил этади. Аниқ ва табиий фанлар бўйича педагоглар тайёрлаш жуда кам. Талабаларнинг 40 фоизи сиртки таълимда ўқияпти.

Шу боис Тошкент давлат педагогика университетини трансформация қилиб, Ўзбекистон миллий педагогика университетини ташкил этиш, келажак педагоглари лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Университет барча ҳудудлардаги педагогика институтлари учун таянч олийгоҳ бўлади.

«Янги Ўзбекистон» университетида 40 дан зиёд чет эллик ўқитувчилар ва 30 нафар ватандош зиёлиларимиз фаолият юритмоқда. Талабалар ўзларининг турли йўналишлардаги лойиҳаларига жами 24,3 миллиард сўмлик грантлар жалб қилган. Бу салоҳиятдан фойдаланиб университетда муҳандислик, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, тиббиёт каби замонавий соҳаларда мута-

хассислар тайёрлашни ривожлантириш, янги лабораториялар очиб режалари тақдимот қилинди.

Шунингдек, олийгоҳда илм-фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида Германиянинг илгор тажрибасини фойдаланган ҳолда замонавий университет клиникасини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Таълим сифатини аниқлашда ҳам халқро услублар жорий этилмоқда. Бу йил 233 та мактабдаги 9 минг нафар 15 ёшли ўқувчининг билими «PISA» халқро дастури орқали баҳоланади.

Ҳозирги кунда 2 мингта мактаб юқори оқлама билан ишлаяпти. Бу йил бюджет ҳисобидан 112 мингта янги ўқувчи ўрни ташкил этилади. Аҳоли ўсиши ҳисобига, мактабларга эҳтиёж ҳам ортиб боради.

Шу боис Ислам тараққиёт банкидан 200 миллион доллар жалб этиб, ҳудудларда 58 та замонавий мактаб қуриш режалаштирилган.

Таҳсилларга кўра мактаб ёшидаги болаларнинг 80 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқларда фаол. Уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар олиб бориляпти.

Лекин ёшлар таълим-тарбиясига кучли таъсир кўрсатадиган, қизиқарли миллий контентлар яратётган ижодкорлар санокли.

Шулардан келиб чиқиб болаларга ҳафсиз ахборот муҳитини яратиш, миллий контентларни кўпайтириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарига инвестиция соҳасида жорий йил биринчи чоракда қилинган ишлар ҳамда навбатдаги асосий вазифалар бўйича ахборот берилди.

Давлатимизнинг фаол ташкил сиёсати ва қулай ишбилармонлик муҳити натижасида инвестициялар ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Хусусан, жорий йил биринчи чоракда 8 миллиард 700 миллион доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 20 фоизга ўсди.

Бу маблағлар эвазига энергетика, металлургия, кимё, фармацевтика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, коммунал ва ижтимоий соҳаларда кўплаб муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда қўшилган қиймат ва иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи ярим йиллик якуни билан 18 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши қутулмоқда.

Умуман, 2025 йилда 42 миллиард доллар хори-

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

**I. Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари**

1. Куйидагилар фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) жамиятда диний бағрикенглик ва конфессиялараро тотувлиқни янада мустаҳкамлашга оид илғор механизмларни жорий этиш;

б) илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик ва бағрикенглик каби умуминсоний ва олийжаноб ғояларга асосланган диний-фалсафий меросини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш;

в) диний-маърифий соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали замон талабларига мос мутахассисларни етиштириш;

г) аҳоли орасида бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат руҳини кучайтириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган долзарб илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

д) диний-маърифий соҳадаги халқаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш.

2. Диний-маърифий соҳа фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамиятда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенглик, фуқаролараро тотувлик ҳамда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мақсадида **“Бағрикенг жамият — барқарор давлат”** тамойили асосида Дин ишлари бўйича кўмита билан (кейинги ўринларда — Кўмита) Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Инчи ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар кўмитасининг янги ҳамкорлик тизими йўлга қўйилсин.

Куйидагилар ҳамкорлик тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, асосий вазифалари ва принципларини қатъий амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

б) фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш, жамиятда турли диний конфессиялар вакилларининг ўзаро аҳил-иноқ ва ҳамжиҳат ҳаёт кечиришини қўллаб-қувватлаш;

в) Ўзбекистон аҳолисининг дини, эътиқоди, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқара олишини таъминлаш;

г) динга бўлган муносабатидан келиб чиқиб устунлик бериш, камситиш ва виждон эркинлиги кафолатлари бузилишининг бошқа ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш.

Кўмита бир ой муддатда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Инчи ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда ҳамкорлик тизимининг механизмларини белгилловчи қўшма қарорни тасдиқласин.

**II. Диний-маърифий соҳанинг институционал асосларини такомиллаштириш**

4. Фуқароларнинг ибодатлар ва диний расм-русумларни амалга ошириши учун қўшимча кулайликлар яратиш, “Ҳаж” ва “Умра” зиёратларига бориши билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш жараёнида ортқича бюрократик тартиботларни бартараф этиш мақсадида Кўмита ва Рақамли технологиялар вазирлиги 2025 йил 1 сентябрга қадар **“Ҳаж ва Умра ягона портали”**ни (кейинги ўринларда — Портал) ҳамда унинг мобил иловасини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки:

а) Портал “Ҳаж” тадбирларига борувчи фуқароларнинг ягона электрон навбати ҳамда “Умра” тадбирларига юбориладиган зиёратчиларнинг электрон рўйхати шакллантириладиган тизим ҳисобланади;

б) Порталда “Ҳаж” ва “Умра” фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар рақамлаштирилади;

в) вазирлик ва идоралар Кўмита сўровига кўра ўзининг ахборот тизимлари Порталга интеграция қилинишини таъминлайди;

г) Кўмита Портал фаолиятини молиялаштиришга, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, алоқадор давлат ва нодавлат ташкилотлар учун фойдаланиш имкониятини яратишга масъул давлат органи ҳисобланади;

д) Кўмита “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясига эга юридик шахслар ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Порталдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Кўмитанинг Ўзбекистон халқаро ислом академиясини **Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси** (кейинги ўринларда — Академия) этиб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Академия исломшунослик ва диншунослик соҳаларида мутахассисларни ҳамда ўқув дастури, қўлланма ва дарсликларни тайёрлашга ихтисослашган таянч давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилансин.

6. Куйидагилар Академиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) исломшунослик, диншунослик, дин психологияси, ислом иқтисодиёти, манбаунослик, халқаро муносабатлар ва эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш;

б) таълим жараёнига илғор педагогик технологияларини, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларини жорий этиш;

в) виждон эркинлиги ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш, радикаллашув, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг асосларига оид илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

г) диний-маърифий йўналишда илмий, илмий-оммабоп адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, интернет тармоғида таълим ресурсларини жойлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш;

д) талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

е) мамлакатимизда ва хорижда диний соҳада фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан аяқиндан ҳамкорлик қилиш.

7. Академияга куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган юқори малакали хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

б) Кўмита билан келишган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли йўналиш ва мутахассисликлар бўйича давлат олий таълим муассасаларида белгиланган базавий тўлов-контракт қийматидан уч баравардан ортқ бўлмаган миқдорда белгилаш;

в) талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

г) етуқ хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда Академия вакиллари хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига малака ошириш ва тажриба орттириш учун юбориш;

д) ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш.

8. Белгилансинки, Академияга ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағларнинг етишмаган қисми давлат олий таълим муассасаларини сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида тасдиқланган бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритиш орқали қопланади.

9. Кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Малака ошириш марказини Дин ишлари бўйича кўмита хузуридаги **Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти** (кейинги ўринларда — Институт) сифатида қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Институт исломшунослик, диншунослик, давлат ва дин муносабатлари асослари, шунингдек, радикаллашувнинг олдини олиш йўналишларида диний соҳада мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга масъул муассаса ҳисобланади;

б) барча таълим ташкилотларининг исломшунослик ва диншунослик фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш Институт томонидан амалга оширилади;

в) таълим жараёни сифатини ошириш ҳамда таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида Институт сўровига асосан дарсларга тегишли вазирлик, идора, илмий-тадқиқот ва таҳлил марказларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари жалб этилади;

г) Институт қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Малака ошириш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

10. Академияга қарашли Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Зарбулоқ кўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган ётоқхона биноси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Институтга бепул ўтказилиши таъминлансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу бинони сақлаш учун Ўзбекистон халқаро ислом академиясига 2025 йил учун ажратилган бюджет маблағларининг қолдиқ қисминини Институтга ўтказиб берсин, 2026 йилдан бошлаб эса бинони сақлаш билан боғлиқ харажатларни Институтнинг харажатлар сметасида режалаштириб борсин.

11. Кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлигининг Баҳроуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази муассислигида **Баҳроуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот марказини** ташкил этиш ва куйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифларни маъқуллансин:

а) буюк аждодимиз Баҳроуддин Нақшбанд ва нақшбандийлик тариқати алломаларининг юксак инсонпарварлик ғояларини асосида ўрганиш, ёш авлодни бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида тарғибот ишларини олиб бориш;

б) тасаввуф таълимоти тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, “Етти пир” алломалари ва азиз авлиёларнинг бой илмий-маънавий меросини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш;

в) нақшбандийлик таълимотининг эзгу ғояларини тадқиқ этиш учун илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган анжуман, конференция, кўргазма, семинар-тренинг, танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

г) тасаввуф таълимотининг илмий асосланган ғояларини тарғиб қилиш, сохта тарикatchиликнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

12. Кўмита ва Академиянинг Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази исломшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотларни ҳамда дин билан боғлиқ жараёнлар бўйича таҳлилларни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгилансин.

13. Куйидагилар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг қўшимча вазифалари этиб белгилансин:

а) Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби буюк аллома аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросини ўрганиш, жаҳон илм-фан ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш, улар яратган асарларнинг илмий-илоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, мамлакатимиз ҳудудида рўй берган Биринчи ва Иккинчи Ренессансининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдеворини яратишда иштирок этиш;

б) ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг оммага, жумладан, халқаро жамоatchиликка етказиш;

в) диний таълим муассасаларига илмий тадқиқот ва ўқув-услубий масалаларда ҳамда педагог кадрлар ва диний ходимларнинг малакасини ошириб боришда амалий ёрдам кўрсатиш;

г) ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳа ва ташаббусларни ишлаб чиқиш.

14. Диний-маърифий соҳадаги ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириб бориш мақсадида доимий асосда фаолият кўрсатувчи **Диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий-тадқиқот оид фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) Мувофиқлаштирувчи кенгаш диний-маърифий соҳада таълим, фан ва илмий тадқиқот ишларининг барча жараёнларини мувофиқлаштириш масалаларига масъул бўлган маслаҳат органи ҳисобланади;

б) Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи вазифасини Кўмита амалга оширади;

в) Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Академия ва бошқа диний-маърифий муассасаларнинг таълим ва илмий тадқиқотга оид фаолияти мувофиқлаштирилади;

г) Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлислари ҳар чоракда камида бир мартаба ўтказилади.

15. Куйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) **“Учинчи ренессанс — Янги Ўзбекистон”** ғояси асосида буюк аждодларимиз илмий меросида улуғланган ватанпарварлик, бағрикенглик каби умуминсоний ғояларни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш йўналишларини белгилаш;

б) диний-маърифий соҳадаги муассасалар фаолиятини чуқур ўрганиб бориш, ўқув-тарбия жараёнига илғор ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, инновацияни ишланмаларни татбиқ этиш ҳамда илмий ва услубий фаолиятини мувофиқлаштириш;

в) соҳа ташкилотларида тўпланган илмий-услубий ишланмалар ва тажрибаларни таҳлил этиш асосида улардаги таълим мазмунини такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқишда узвийлик тамойилларини таъминлаш;

г) республиканинг барча таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бажариладиган диний мавзудаги тадқиқотлар (диссертациялар)нинг мавзу ва йўналишларининг аҳамияти, долзарблиги юзасидан тегишли тавсияларни бериш.

**III. Диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш**

16. Республикада истиқомат қилувчи турли дин вакилларининг Янги Ўзбекистон тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ошириш, жамиятда конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Кўмитанинг **Конфессиялар ишлари бўйича кенгаш** (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин. Бунда куйидагилар инobatга олинсин:

а) Кенгаш таркибига сиёсий арбоблар, жамоatchилик фаоллари, диншуно олим ва мутахассисларни кузатувчи сифатида киритиш;

б) Кенгашга диний конфессияларнинг муаммолари бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларга сўров, муурожаат ва тавсиялар юбориш ҳуқуқини бериш;

в) Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ҳудудий кенгашлар ташкил этиш;

г) Кенгаш томонидан турли конфессияларга оид диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари ўртасида спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш.

Кенгашнинг янгиланган таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**IV. Фармон ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш**

17. Кўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонunchилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Дин ишлари бўйича кўмита раиси С.Д.Тошбоев белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳatchчиси Р.Қ.Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 21 апрель

## АСОСИЙ МАҚСАД — ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРО ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.*  
Унда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

### Сенат кўмитасида

Таъкидланганидек, бугунги кунда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш борасида қатор муаммолар мавжуд.

Хусусан, ижро ҳужжати шакллантирилганда суд томонидан жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) ёки юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) киритилмаётганлиги сабабли уларни электрон тарзига ўтказиш, улар бўйича пул маблағларини автоматлаштирилган тарзда тақсимлаш ва ундирувчига давлат ижрочисининг аралашувисиз юбориш имкони мавжуд эмас.

Шунингдек, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунда фуқароларнинг қарздорликлари учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад миқдори белгиланмаган. Айни қонunchиликни бузганлик учун мансабдор шахсларга белгилан-

ган маъмурий жазолар содир этилган қилмишга нисбатан мутаносиб эмас. Бундан ташқари, давлат ижрочиларида ижро ҳаракатларини амалга оширишда мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги ҳам нохуш ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Муҳокама марказида бўлган қонун юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган ва унга бир қатор ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган.

Хусусан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга:

- ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини ва ундирувчи юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақамини ижро ҳужжатида кўрсатиш;
- ижро ишини юритиш доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар ижро ишини юритишда иш-

тирок этувчи жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали, шунингдек, юридик шахсларга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши;

— қарздор жисмоний шахсларнинг банклардаги ёки бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ҳамда омонатларида турган ёки сақлашга қўйилган пул маблағларига ундирув қаратилиши лозим бўлганда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг ярмига тенг даражадаги пул маблағлари ҳисобга олинishi ва бу миқдорга ундирув қаратилмаслиги;

— давлат ижрочисининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда қонunchилик ҳужжатларига мувофиқ мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланишини белгилловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга суд ҳужжати асосида бериладиган ижро варақаси QR-код билан тасдиқланган ҳолда судьянинг электрон рақамли имзоси билан расмийлаштирилиши, тарафларнинг илтимосномасига кўра суднинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда қозғаш шакл-

да берилиши, ижро варақаси ундирувчи жисмоний шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали, ундирувчи юридик шахсларга эса солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши, ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий кабинети мавжуд бўлма-са, ижро варақаси унга қозғаш шаклида берилиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1982-моддасида айрим турдаги суд ҳужжатлари ва бош



# ЮКСАК МАРРАНИ ЗАБТ ЭТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ



Энди бевосита Саудияда ўтказилган мусобақага тўхталсак, Исмоил Исмоилов мураббийлигидаги ёш футболчиларимиз финалгача бўлган 5 та учрашувда ишончли галабаларни қўлга киритиб келди. "А" гуруҳида уйинларни бошлаган вакилларимиз Таиланд (4:1), Хитой (2:1) ва мезбон Саудия Арабистони (3:0) ўсмирларини мағлуб этганини ундасидан чиқди. Чорак финалда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари 3:1 ҳисобида доғда қолдирилди. Яримфиналда турнирнинг энг кучли жамоаларидан бири Шимолий кореяликлар билан 3:0 натижаси қайд этилди. Финалгача 100 фоизлик натижа кўрсатган футболчиларимиз турнир голибчилигига муносиб даввогар эканини исботлашди.

Асосий баҳсда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мусобақа мезбони — Саудия Арабистонига қарши саф тортиди. Тенгурашлар остида ўтган дастлабки бўлимда учрашувни

бошқариб борган қатарлик ҳакам Муҳаммад Аҳмад Ал-Шаммари икки футболчимиз — Нурбек Сарсенбаев ва Мирозид Абдукаримовга қизил карточка кўрсатди. Биринчи бўлим жамоамиз учун шу тариха омадсиз яқунланди.

Иккинчи бўлим эса икки киши кам бўлиб қолган ҳамоюрларимиз устунлигида бошланди. 50-дақиқада ўз жарима майдончаси ичида тўп саудиялик ҳимоячининг қўлига теғди. Ушбу ҳолатни VAR орқали текширган бош ҳакам рақиблар дарвозасига пенальти белгиласди. 11 метрлик зарбадан Муҳаммад Ҳакимов унумли фойдаланди ва ўйиндаги ҳисобни очди. Учрашувнинг 70-дақиқасида футболчимиз Садриддин Ҳасанов галабани мустаҳкамловчи гол муаллифига айланди. Шу тариха майдонда 11 нафар саудиялик футболчи қарши 9 нафар бўлиб майдонда ҳаракат қилаётган вакилларимиз 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Беллашувнинг қолган вақти давомида мезбонлар қанчалик ҳужум қилишга



Юнус БҮРИЕВ олган суратлар.

уринмасин, ҳимоячиларимиз ва дарвозабоннинг ишончли ҳаракатлари эвазига голли вазиятлар яратди олимиз. Ёш ҳамоюрларимиз осон ўтмаган қарама-қаршиликда зафар кучди ва мусобақа чемпиони бўлди. Қўлга киритилган галаба, шубҳасиз, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар қаратилаётган эътибор — иккидорли йигит-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, спортни ривожлантириш борасидаги кенг қўллаб-қувватловнинг юксак натижасидир.

Осиё кубоги якунига кўра уч нафар истеъдодли спортчимизга яқна тартибдаги совринлар топширилди. Жумладан, Неъматуллох Рустамжонов — турнирнинг энг яхши дарвозабони, Асилбек Алиев — энг яхши тўпурақ, Садриддин Ҳасанов — энг яхши футболчи сифатида эътироф этилди.

Мазкур галабадан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев футбол бўйича ўсмирлар терма жамоасига самимий табрик йўллади. "Сизлар каби навқирон, азму шижоатли ёшларимизнинг бутун турнир давомида биронта ҳам мағлубиятга учрамасдан, рекорд натижа кўрсатиб, жонажон Ватанимиз шарафини мардона ҳимоя қилганла-

чи "Келажак бунёдкори" медаллари билан тақдирланди.

Музаффар футболчиларимиз Тошкент аэропортида тантанали тарзда қутиб олинди. Тадбирда спорт жамоатчилиги, футболчиларнинг ота-оналари ва ақинлари ҳамда мухлислар иштирок этди. Байрамона ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг футболчиларимизга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О. Абдурахмонов Президентимизнинг тегишли Фармони билан спортчилар ва уларнинг мураббийи, футбол тарғиботи йўлида фидойилик кўрсатиб келатган спорт шарҳловчилари давлатимизнинг юксак мукофотлари — "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони, "Келажак бунёдкори" ва "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланганини эълон қилди. Шунингдек, Президент совғаси — энгил автомобиллар қалитлари ва давлат мукофотлари тантанали топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А. Икромов, Миллий олимпия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари О. Умаров, Ўзбекистон футбол ассоциацияси президенти Б. Қурбонов, Ёшлар ишлари агентлиги директори А. Саъдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими Ш. Умурзаков ва бошқа муҳасидлар иштирок этди.

Эслатиб ўтамиз, ўсмирлар терма жамоаси жорий йилнинг 3 — 27 ноябрь кунлари Қатар майдонларида ўтказилган жон чемпионатида (U17) қатнашиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»)

## ДАЪВАТ МУРАББИЙНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Футбол бўйича 17 ёшлилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси финалда мезбонлар — Саудия Арабистони ёшларига қарши тўп теғди. Уйиннинг биринчи бўлимидаёқ ҳакамлар бизнинг икки нафар футболчимизни майдондан четлатди. Ўн беш дақиқалик танаффусга ёшларимиз руҳий оғриқ билан чиқди. Бироқ шундай ўта мураккаб паллада бош мураббий Исмоил Исмоилов барча юкни ўзига олиб, болаларни уйғотувчи сўзлар айтди.

**Шикоят бефойда — бўлди бўлар иш, Бу ёнга бардам турмоқлик керак. Сизларга ёқмаса мабодо кумуш — Гол ўтказишмас, гол урмоқлик керак!**

**"Тўққиз кишимиз", деб сиқилманг зинҳор, Ўқинг "Тарих" деган китобни бир-бир. Ун икки минг қўшин билан улуғвор Юз минг аскарни ер тишлаган Бобур!**

**Ҳамон тўп юмалоқ — текисдир майдон, Шубҳасиз, биттангиз ўнга татийсиз! Дарс бериб қўйинг арабча, зотан — Ҳар бирингиз битта Замашарийсиз!**

**Қонингизда жўшар кўҳна жасорат, Итилган инсонга толе ҳам ёрқир. Уддалаб бўлмасдек кўринар гарчанд — Улимдан бошқасин иложи борир.**

**Бизга қадаландир дунёнинг кўзи, Ўйнанг ўзини босиб, жилмайиб-қулиб... Шундай зафар кучинг — рақибинг ўзи Сизни табриқласин биринчи бўлиб!**

**Эй, миллат кўксига унган лолалар, Ҳақиқат синамай, гарчи буққилди. Бу шунчаки кубок эмас, болалар, Ўйинга ўзбекинг ори тиклиди!**

**Ҳа, айтганча, укам Неъматуллохжон, Дарвозани ёпинг — қил ҳам сиғмасин. Омад қулиб, агар бўлсак чемпион — Қошни қимирлатиш эсдан чиқмасин!**

**Тақдирда бўлмайдир эрта ёки кеч, Бошида йиғлатса, охир қулдиргай. Икки киши каммиз, дея қўрқманг ҳеч — Бирин халқ, бирини иймон тўлдиргай!**

**Ватан деб рақибни енгдингиз қўллаб, Майли, ота-она, дўст-ёри уйланг. Энди бир илтимос, бор кучини тўпалаб, Мураббийлар учун, мен учун ўйнанг!**

**Бирлашинг — бир бўлинг, бир жон — бир нафас, Ҳеч кимни айбланма, қилманг оҳу зор. Бу охири сўзим — сиз тўп тегинг, бас, Ортингизда буюк Ўзбекистон бор!**

Зоҳиджон ОЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

# ЁШ «ОҚ БҮРИЛАР» ОСИЁДА ТЕНГСИЗ ЭКАНИНИ ИСБОТЛАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ЧЕМПИОНЛИГИ ХОРИЖ НАШРЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон "U-17" терма жамоаси Осиё кубоги мусобақаси финал учрашувда мусобақа мезбони — Саудия Арабистони терма жамоаси устидан 2:0 ҳисобида галаба қозониб, турнир чемпионлигини қўлга киритган, бир қанча хориж нашрларида терма жамоамизнинг нафақат финал, балки бутун турнир давомидаги уйинлари ҳақида ижобий фикрлар билдирилган хабарлар тарқатилди.

### Эътироф

Жумладан, ФИФА ўзининг расмий сайтыда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё чемпионлигини қўлга киритганини эътироф этди.

"ОФК "U-17" Осиё кубоги мусобақаси жуда драматик тарзда якунланди. 9 нафар футболчи билан қолган Ўзбекистон Саудия Арабистонини мағлуб этиб, иккинчи марта китба чемпионига айланди. Ажабланарлиси шундаки, ёш "оқ бўрилар" жамоаси биринчи бўлим охирида иккита қизил карточка сабаб 9 киши бўлиб қолди. Аммо бу ҳолат жамоанинг руҳини синдира олмади ҳамда якунда чемпионликка эришди. Шу тариха Ўзбекистон терма жамоаси сўнгги саккиз китба

чемпионатининг еттисида камидан чорак финалга чиққан ва 2023 йилда Индонезияда ўтказилган "U-17" жаҳон чемпионатида ҳам шундай натижа қайд этган эди", дейилади **ФИФА расмий сайтыда** эълон қилинган хабарда.

Шунингдек, Осиё Футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим Ал-Халифа ҳам Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё кубоги мусобақасида голибликни қўлга киритганини муносабати билан Ўзбекистон футбол ассоциацияси президенти Баҳодир Қурбоновни маъруза табрик йўллади.

"Саудия Арабистонида бўлиб ўтган 17 ёшгача футболчилар ўртасида Осиё кубоги мусобақасида голибликни қўлга киритганининг билан бизни ва бутун ўзбекистонликларни чин қалбимдан табриқлаш-

дан мамнунман. Ўзбекистоннинг мусобақа давомида кўрсатган ажойиб ўйинлари юртингизда футболни ривожлантириш ва оммалаштириш йўлида амалга оширилган меҳнат ва саъй-ҳаракатлардан далолатдир.

Бош мураббий Исмоил Исмоилов ва бутун жамоага турнир давомида намойиш этган ёрқин ўйинлари учун миннатдорлик билдираман ва ФИФА "U-17" жаҳон чемпионатида ҳам муваффақият тилайман. Ўзбекистон футбол жамоатчилигига эса келгуси фаолиятида зафарлар тилайман", дейилади **ОФК президентининг** табригида.

МДХ давлатларининг спорт соҳасидаги англикларини ёрқиб боруви "Sports.tj" нашри вакили ўзининг "Facebook"даги саҳифасида жамоамиз футболчиларининг хурсандчилиги акс этган видеоларни улашди.

"Майдондаги қанча қийинчилик ҳамда омадсизликларга қарамай, ўзбек футболчилари иродали галабага эришди. Ўзбекистонлик ёш футболчилар ҳақиқатда чемпионликка муносиб", дейилади хабарда.

Саудия Арабистонининг **"Arab News"** нашрида финал баҳсида ўзбекистонлик футболчиларнинг

икки киши кам бўлиб ҳам галабага эришгани ҳақида хабар берилди.

"Якшанба кунини "U-17" Осиё кубоги мусобақаси финалида Саудия Арабистони Ўзбекистонга 2:0 ҳисобида мағлуб бўлди. Биринчи бўлимда голиблар сафида икки футболчи қизил карточка олди. Йигитлар иродани намойиш этиб, қутилмаган тарзда иккинчи бўлимда иккита гол уришга муваффақ бўлди ҳамда 2012 йилдаги каби иккинчи бора китба биринчилигига голиб бўлишди.

Чорак финалда Японияни, яримфиналда Жанубий Кореяни ортда қолдирган мезбонлар учун ҳақиқий синов финал баҳсида содир бўлди. Балки мезбон футболчиларда қийин жамоаларга қарши ўйнагани учун бироз чарчоқ бўлгандир. Бу унчалик муҳим эмасди, чунки биринчи бўлим туғаш арафасида Ўзбекистон терма жамоасининг икки футболчиси майдондан четлатилган. Бу ҳолат мезбонлар учун қулай имконият яратганди.

Танаффус вақтида Саудия Арабистони футболчилари галабага эришадигандек туюлди. Иккинчи бўлим ақл бовар қилмайдиган даражада тўс олди. Ўзбекистонликлар

бўлим бошиданок ҳужумга ўтиб, қийин вазиятдан чиқиш учун имкониятлар яратди олишди.

Саудия Арабистони вакиллари майдонда устунликка эришиш учун барча ишни қилишди, аммо якунда ўзбекистонликларнинг ишончли ҳимоясидан ўтиш йўлини топа олмашди. Мезбонлар учун имконият бор, чунки улар шу йил охирида Қатарда бўлиб ўтадиган "U-17" жаҳон чемпионатида иштирок этади", деб ёзилади хабарда.

Қозғоғинининг **"Nur.kz"** нашрида ҳам Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё кубоги мусобақасидаги иштироки ҳақида хабар чоп этилди.

"Ўзбекистонлик ёш футболчилар бошқа тенгдош рақибларидан устун эканини исботлашди. Биринчи бўлимдаёқ икки киши кам бўлиб қолган терма жамоа вакиллари иккинчи бўлимда умуман ўзгача ўйин намойиш этди. Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида иккинчи марта ўсмирлар ўртасидаги Осиё кубогини қўлга киритди", деб ёзган нашр муҳбири.

Отабек САИДАҲМАДОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Кейинги саккиз йилда ҳар жабҳада сезиларли ўзгаришлар бўлди. Шу жараёнда олий таълим тизимини ҳам янги шароит ва талабаларга мослаштириш мақсадида тубдан қайта қўриб чиқилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган "Янги Ўзбекистон" ташаббуслари доирасида олий таълим соҳасида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилмоқда.

### Тараққиёт одимлари

Хусусан, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Президент Фармони билан олий таълим тизимида эришилиши керак бўлган марралар белгилаб берилди. Ўзбекистон олий ўқув юрларида таълим сифатини яхшилаш ва халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, дунёнинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди, хорижий профессор-ўқитувчилар таклиф қилинди ва талаба-

ларни амалий билимлар билан таъминлашга қаратилган дастурлар жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон университетлари халқаро рейтингларда қатнашишни бошлади.

Бугун олий таълим муассасаларида ўқитилаётган дастурлар замонавий талабалар ва бозор эҳтиёжларига мослаштирилган ва мазкур ўқув дастурлари бевосита иш бевуричлар билан биргаликда тўзиламоқда. Янги йўналишлар, масалан, сунъий интеллект, киберхавфсизлик, рақамли иқтисодиёт каби соҳаларда мутахассислар тайёрлашга эътибор қарати-

лаётир. Талабаларнинг амалий қўникмаларини ошириш учун саноат корхоналари билан ҳамкорликда таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, олийгоҳларда илмий тадқиқотларни рағбатлантириш мақсадида янги лабораториялар ва илмий марказлар ташкил этилди. Талабалар ва ўқитувчиларнинг илмий ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни халқаро миқёсда нашр этишлари учун шароитлар яратилди.

Шунингдек, талабалар учун янги турар-жойлар қурилмоқда, кутубхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланяпти. Улар учун спорт ва маданий фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кенг қўламини ислохотлар, қўлланаётган чора-тадбирлар, албатта, ўз мевасини бермоқда. Биринчи навбатда, олий таълим муассасаларига қабул жараёнини шаффофлаштириш ва рақамлаштиришга аҳамият қаратилгани боис ҳозирги кунда билим даражаси юқори ёшлар талаба бўлмоқда. Ик-

кинчида, хорижий университетлар билан ҳамкорлик, алмашинув дастурлари кучайгани туфайли талабаларнинг халқаро олийгоҳларда таълим олиш имкониятлари кенгайди. Учинчидан, илмий тадқиқотлар сони ва сифати ошди, натижада Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўси янада мустаҳкамланди.

Қувонарлиси, Буюк Британияда жойлашган "QS" (Quacquarelli Symonds) халқаро рейтинг агентлиги 2023 йил натижаларига кўра Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети дунёнинг "ТОП — 1000" олийгоҳлари қаторига қўшилди.

Шунингдек, бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги мутахассисликларнинг ўқув режалари бирин-кетин халқаро таълим дастурлари билан мослаштирилган. Жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети халқаро миқёсда яна бир катта ютққа эришди. Олийгоҳнинг бухгалтерия

хисоби таълим йўналишидаги қатор ўқув дастурлари нуфузли халқаро ташкилот — "ACCA" (The Association of Chartered Certified Accountants) томонидан расман тан олинди.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори 6-бандига асосан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети бухгалтерия хисоби йўналишида ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш вазифаси юклатилган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида университет томонидан "ACCA" халқаро ташкилоти билан аниқ режа ва мақсадларни қўзлаган ҳамкорлик йўлга қўйилди. Амалий саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, университетнинг Бизнес ва технологиялар, Бошқарув хисоби, Молиявий ҳисоб, Корпоратив ва тадбиркорлик ҳуқуқи, МНХС асосида молиявий ҳисобот каби фан дастурлари "ACCA" томонидан расман тан олинди.

Яъни энди бухгалтерия мутахассислик-

лари битирувчилари университет дипломи билан бир вақтнинг ўзига имтиҳонсиз "ACCA" сертификатларига ҳам эга бўлади. Мазкур халқаро даражадаги дипломлар бухгалтерия мутахассисликларига тахсил олган битирувчиларимизнинг халқаро даражада мутахассис эканини таъминлайди ва уларга глобал меҳнат бозоридagi анги имкониятлар эшигини очди.

Янги Ўзбекистон ташаббуслари доирасида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг келажаги учун муҳим қадамдир. Таълим сифатини яхшилаш, халқаро стандартларга мослаштириш ва талабалар учун қулай шароитлар яратиш малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Бу билан юртимиз тараққиётининг пойдевори янада мустаҳкамланяпти. Албатта, бу йўлда хали қўй ишлар қилиниши керак. Айна пайтда олий таълим тизимини янада тақомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг келажаги янада ёрқин бўлишига ишончлини оширмоқда.

**Сирожиддин ЯНГИБОВЕВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
**факультет декани, (PhD) доцент,**  
**Нуриддин ЖОВЛИЕВ,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
катта ўқитувчиси (PhD).

## «Ўзбекистон — китобхонлар юрти» шиори остида анъанавий V Республика «Китобхонлик ҳафталиги»га старт берилди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни оқиб олган учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мактаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланяпти.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Х. Норбоев.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10

Топширилди — 01.00

1 2 3 4 5 6

1 2 3 4 5 6